
Тарғибот тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда

Ўзбекистон туманининг ҳар бир маҳалласида “Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш” ғояси остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Бугунги тадбирлар “Даштқўлпон”, “Қудаш”, “Хайдаробод”, “Қулибек”, “Элчи” ва “Оқтепа” маҳаллаларида ташкил этилди.

Тарғиботчилар томонидан юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тадбир иштирокчиларига самарали усулларда етказилди.

Маҳалла фуқаролари билан маърифий суҳбатлар уюштирилиб, бешта муҳим ташаббус доирасида тадбирлар ташкил этилди.

Аҳолининг кайфиятини кўтариш, уларда ислохотларга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлаш, меҳр-оқибат, шукроналик каби миллий ва умуминсоний қадриятларни янада кучайтиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ҳар бир маҳаллада ўтказилади.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-11-16 18:37:46